



- \* "Чимилдиқ" да: Шукр Холмирзаевнинг иккинчи оиласи
- \* Олимпиада ўйинларида кимлар иштирок этади?
- \* Оёқ босишингиз феъл-атворингизни билдиради
- \* Бўйи етган қиз нималарни орзу қилади?



# Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 29 март Чоршанба. № 25 (14307)

## ИСЛОМ ОТАМ – ЎЗИМНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИМ

— Агар, қорақалпоқлар мени "қорақалпоғим" деса, ўзимни гоят бахтли одам деб биламан!  
Ислом КАРИМОВ

Одил, доно бўлсин ҳар бир болам,  
Деб дилда чўнг умид уйғотар отам.  
Мен бугун ифтихор билан айтаман:  
— Ислом отам — ўзимнинг қорақалпоғим.

Эркинлик даври бу — озоддир ҳаёт,  
Ёшларга ғамхўрлик бўлмоқда қанот.  
Қаерда ўқийман, десақ, марҳамат, —  
Дейди Ислом отам, қорақалпоғим.

Соғлом авлод йили — улғу янги йил,  
Ойдин тилақлардан юксалар кўнгил.  
Босган изингизда унсин доим гул,  
— Ислом отам — ўзимнинг қорақалпоғим.

Бизлар ўсиб, Сизга кўрган бўламиз,  
Она юртимизга қалқон бўламиз.  
Оталар ёнида имкон бўламиз, —  
Дейди Дилмуроднинг, қорақалпоғинг.

**Дилмурод НУРУМБЕТОВ,**  
Нукус шаҳридаги  
16-мактабнинг  
7-синф ўқувчиси.  
Қорақалпоқчадан таржима

## АЗИЗ ФАРЗАНДИМ ДИЛМУРОДЖОН!

"Қарлығаш" журналида босилган шеъринг-ни ўқиб, мамнун бўлдим.

Ҳали ўсмир ёшида бўлишингга қарамай, тиниқ мулоҳаза юритишинг, озод ва эркин Ўзбекистонимиз ва халқимиз олдидаги фарзандлик бурчини теран англашинг менда, айниқса, чуқур таассурот қолдирди.

Мен "Умидим ва ишончим ёшлардан!", деганимда билимга чанқоқ, тоза ниятлар, ёруғ орзу-ҳаваслар, эзгу мақсадлар билан яшаётган навқирон авлодни назарда тутаман.

Улар орасида сен каби юзлаб, минглаб қорақалпоқ ёшлари ҳам борлиги кўнглимга гурур бағишлайди.

Сен ўз шеърингга "Она юртимизга қалқон бўламиз", деб ёзибсан. Шундай юракли фарзандлари бор халқ, аминманки, ҳеч кам бўлмайди.

Сенга, сен орқали барча тенгдошларингга ўқишларингга янги ютуқлар, соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Қорақалпоғистон зиёлилари Соғлом авлод йилини амалий ишлар билан бошлашди. Наврўз айёми кунларида янги "Буюк ипак йўли", "Қорақалпоғистон", шунингдек, "Қарлығаш" ("Қалдир-

нинг "Ислом отам — ўзимнинг қорақалпоғим" шеъри кенг жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этди.

Дилмурод Нукус шаҳридаги 16-мактабнинг 7-синфида ўқийди.

манки, ҳеч кам бўлмайди!" - деган юксак ишонч билдиради.

Шу муносабат билан кеча журнал таҳририятида йиғилиш бўлиб ўтди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мактубини Презид-

## КЕНЖА АВЛОДГА МЕХР

гоч") болалар ва ўсмирлар журналларининг дастлабки сонлари журналхонлар кўлига етиб борди.

Қорақалпоқ, ўзбек ва инглиз тилларида нашр этилаётган "Қарлығаш" журнали давлатимиз мадҳияси билан очилади. Унинг мавзу доираси ранг-баранг. Журналда тарихий қадриятлар, таълим тизимидаги ислохотлар, табиат ва жамият, болалар ижоди ва спортга кенг ўрин берилган.

Болалар ижодидан намуналар қаторида эълон қилинган Дилмурод Нурумбетов-

— Ислом ота диёримизга тез-тез келиб турадилар, - дейди у. - Сайловолди учрашувларида, агар қорақалпоқлар, мени "қорақалпоғим" деса, ўзимни гоят бахтли одам деб биламан! - деган эдилар. Бу менга қаттиқ таъсир қилди, шундан илҳомланиб бу шеърни ёздим...


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қорақалпоғистонлик ёш ижодкор ўқувчига мактуб йўллади. Унда "Сен ўз шеърингга "Она юртимизга қалқон бўламиз", деб ёзибсан. Шундай юракли фарзандлари бор халқ, амин-

дент Девонининг масъул ходими Фаффор Ҳотамов ўқиб эшиттирди ва Юртбошимизнинг мактуби билан совғасини ёш ижодкорга топширди.


Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Темура Камолов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов, журнал муассислари ёш ижодкорни қутлашди, шу билан бирга бу — Юртбошимизнинг навқирон авлодга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигининг яна бир намунаси эканлигини алоҳида таъкидлашди.

*Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.*

**Ислом КАРИМОВ**







Конимех туманидаги "Конимех" ширкат хўжалигида қоракўлчиликда муҳим мавсум — кўзилатиш мавсуми муваффақиятли бошланди. Хўжалик чорвадорлари кўкламда мавжуд 22,5 минг бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 105 тадан кўзи олишга аҳд қилганлар.

Айни пайтда, Ўрозжон ва Гериқудук фермаларининг қўйчивонлари мавсумни намунали ўтказишмоқда. Айниқса, хўжалиқнинг Уақ Кувватов бошлиқ отар жамоаси мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Улар мавсум охиригача мавжуд 520 бош совлиқнинг ҳар 100 таасидан 116 тадан соғлом кўзи олмақчилар. Бу отар қўйчивонлари 1999 йилда 350 минг сўм даромад олишди. 45 та натура ҳолида майда мол олди. Бу йил ҳам тажрибали қўйчивонлар кўрсаткични яна оширмоқчилар.

Суратда: Ёш чўпон Собит КУВВАТОВ.

ЎЗА сурати

## “Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони - 2000”

Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон Қуролли Кучлари ҳамда Россия Федерацияси Қуролли Кучлари бўлинмаларининг биргаликдаги “Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони - 2000” ҳарбий машқлари бошланди. Машқлар ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги минтақавий ва икки томонлама шартнома ва битимлар доирасида ўтказилмоқда. Кўзланган асосий мақсад террорчиликка қарши курашда Марказий Осиё минтақаси давлатлари ва Россия Қуролли Кучлари қўшинларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда уларни бошқаришни мувофиқлаштиришдан иборат.

Маълумки, ўтган йили Қирғизистон жанубида ва Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пунктида юз берган воқеалар Марказий Осиё давлатларини ўзлари танлаган тараққиёт йўлидан чиқариб, минтақадаги вазиятни беқарорлаштиришга интилувчи кучлар мавжудлигини кўрсатди. Ислом экстремистлари конституциявий тузумни ағдариш ва ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай манфурликка тайёр. Улар бугунги кунда ҳам ҳокимиятни ағдариб ташлаб, минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатиш нияти билан яшамоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат хавфсизлиги, минтақадаги тинчлик ва осойишталикка қилинган таҳдидларга жавобан давлат чегарасини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг мудофаа қудрати ва жанговар тайёргарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Айни пайтда, хав-

фсизликнинг умумийлиги тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг ташқи ва ички хавфга қарши ҳаракатларини бирлаштириш, мустаҳкам тинчлик ва барқарорликка эришиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

“Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони - 2000” машқлари минтақа давлатлари ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Мудофаа вазирлиги матбуот марказидан хабар беришларича, машқлар давомида Қуролли Кучлар штабларининг ўзаро алоқалари, жиноятчи тўдаларни қуршаб олиб, йўқ қилиб ташлаш бўйича биргаликдаги операцияларни режалаштириш ва уюштириш, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар олиб боришда қўшинларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

Машқларнинг бир босқичи мамлакатимиз ҳудудида, Термиз горнизони полигонидан ўтказилади. Унда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бўлинмалари террорчи ва қўпоровчи тўдаларни йўқ қилиб ташлаш масалаларини ишлаб чиқади. Мазкур босқичдаги вазифаларни бажариш учун Мудофаа вазирлигининг мотоўқчи, ҳаво десанти ва авиация бўлинмалари, шунингдек, бошқа ҳарбий тузилмаларнинг бўлинмалари жалб этилади.

(ЎЗА)

## БАРКАМОЛ АВЛОД — ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

Хукуматга қарашли бўлмаган “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси раиси Гулнора ЙЎЛДОШЕВА билан мусохаба

— Гулнора Ботировна, ёшларнинг маънавий, ахлоқий ва жисмоний баркамоллиги йўлида жамғармада қандай чора-тадбирлар амалга ошириляпти?

— Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, мустақилликка эришганимиздан сўнг, юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Болалар баркамоллиги учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Ушбу йилимизнинг “Соғлом авлод йили” деб номланиши эса бу борадаги имкониятларни янада кенгайтди.

Жамғармада “Соғлом авлод” дастурида белгилаб берилган йўналишлар бўйича кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Биринчи навбатда ёш авлодни ҳар томонлама, ақлий, жисмоний ва ахлоқий камол топтириш мақсадида “Истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш” дастурини ишлаб чиқдик. Ушбу дастур асосида Халқ таълими, Олий таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорликда танловлар, олимпиадалар, турли мусобақалар ташкил этилган.

Шу билан бирга жамғармада “Проктер энд Гембл” (АҚШ) компанияси билан ҳамкорликда соғломлаштириш кўникмаларини ўргатиш дастурлари махсус мутахассислар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб бориляпти.

— Фарзанд баркамоллигида оналар саломатлигининг аҳамияти бекиёс. Бу борада қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳозирги кунда жамғармада “Балоғат даври” дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур бўйича жойларда ўсмир қизларимизга балоғат ёшидаги физиологик ва гормонал ўзгаришлар, гигиеник қоидалар ҳақида керакли маслаҳатлар олиб бормоқда. Қизларимизни жисмонан соғлом бўлишлари билан бирга, маънавий жиҳатдан ҳам етук қилиб тарбиялашимиз лозим. Бу борада кўпроқ ота-оналар билан суҳбатлар уюштиряпмиз. Зеро, ёшлар тарбияси учун барчамиз баҳамжиҳат борсақина яхши натижага эришамиз.

Ёш оналарга чақалоқлар ва кўрак ёшидаги болаларни парваришлаш кўникмаларини ўргатиш мақсадида “Соғ тан— соғлом бола” дастури бўйича ишлар ўз самарасини берапти. Ушбу дастур тадбирлари АҚШ, Европа мамлакатлари, Саудия Арабистони, Россия ва шу каби дунёнинг кўпгина давлатларида ўтказиб келинмоқда. Ёш оналарга болани тўғри парвариш қилишни ўргатиш, жадвал бўйича эмлаш, ўсиб келаётган авлодни касалланишдан сақлайди. Чақалоқларни ўстиришда ёш оналар бунга катта аҳамият бериши зарур.

— Спорт саломатлик гарови эканлиги кўпинча кўчада илинган шиорларда қолиб кетади. Нимагадир касалликларнинг кўпайишини кўп ҳолларда экологияга тўнқаймиз...

— Кўз тегмасин кейинги пайтларда маҳалла-кўй, ташкилот ва иш жойларида аёлларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратилляпти. Лекин биз энг аввало ҳар бир аёл, қиз кўнглида спортнинг бирор тури билан

шуғулланиши учун иштиёқ уйғота билишимиз керак. Шунда хотин-қизларимиз уй шароитида ҳам жисмоний тарбия билан шуғуллана бошлайдилар. Балки аёлларимизнинг барчасида спорт залларига, майдонларига бориб шуғулланиш имконияти йўқдир, аммо уйда гимнастика машқларини бажариш учун, кечқурунлари парк ва хиёбонларда, ҳеч бўлмаганда ҳовлида сайр қилиш учун аёлларимиз, қизларимизга хафсала ва иштиёқ керак холос.

Аёлларимиз кўп ҳолларда кам ҳаракат ва тартибсиз овқатланиш оқибатида турли хасталикларга чалиниб қолишади, ёки ортиқча вазн тўплаб, ундан халос бўлиш учун қимматбаҳо доридармонлар истеъмол қилишади. Бунинг ўрнига спорт энг яхши даво эмасми? Шу сабаб ёш қизларимизни ҳозирдан жисмоний машқлар билан шуғулланишга ўргатиб боришимиз фойдадан холи бўлмайди. “Ҳаракат бу ҳаёт” деган пурмаёно сўзларни зинҳор унутмаслик лозим.

### Соғлом авлод йили

— Бугунги ёшлар тарбиясида қандай баҳо бера- сиз? Сизнингча бу масалада дилга оғриқ соладиган жиҳатлар ҳам борми?

— Фарзандлар тарбияси бобида халқимизнинг жуда чиройли удумлари бор. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро муомалада меҳмон қутуш, ота-она иззатини сақлашда, бобомерос қадриятларимизга амал қиламиз. Мен дунёнинг кўплаб давлатларида бўлдим, аммо тарбиядаги мана шу жиҳатларнинг биздагидай уйғунлашиб кетганини учратмадим.

Бугунги ёшларга келсак уларнинг ҳаракатчанлиги, интилувчанлиги, билимга чанқоқлиги ва дунёқарашининг кенглиги мени қувонтиради. Кун сайин хорижда ўқиётган ёшларимизнинг сони тобора ортиб борапти. Иқтидорлилар юрти бўлган Ўзбекистон яна ўз қудратини жаҳонга намоён этипти.

Аммо бугунги ёшлар тарбиясида юракка оғриқ соладиган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Турли видеокассеталардаги ур-сурларни тарғиб этувчи фильмлар, энгил-елпи сериаллар ва турли беандиша рекламалар болаларимиз руҳиятига салбий таъсир кўрсатяпти. Ота-оналар телевизор қаршисида соатлаб қолиб кетган болаларига парво қилишмайди.

Тарбиямиздаги яна бир жиҳат борки, уни албатта айтиб ўтиш жоиз. Чека кишлоқларда чет тилларини пухта эгаллаган мутахассис ўқитувчиларимиз етишмайди. У ерда ҳам интилувчан, тиришқоқ ёшларимиз беҳисоб. Улар учун йўналиш ва имконият керак холос. Болаларимизнинг маърифий билимларини оширишга эътиборни кучайтирсак, адашиб жиноят йўлларида кириб қолиш ҳолларига барҳам берган бўлардик.

Келажақда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш биз катталарнинг вазифамиз. Ёшлар тарбияси учун барчамиз масъулмиз. Бунинг ота-оналар, устоз-мураббийлар ҳаммиша ёдда тутишлари шарт. Шундагина давлатимиз келажақига мустаҳкам таянч қўя олган бўламиз.

Ҳамробону МУСУРМОНОВА суҳбатлашди



# Чимилдик

"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 29 март № 12 (69)

## ЎЗБЕКЧИЛИККА "ХОС" ЛИБОС...

"Чимилдик"нинг аввалги сонларидан бирида Насриддин Ботирнинг бир мақоласи эълон қилиниб, унда "катта" бир муаммо кўтарилган эди. Бу ҳам бўлса, қизларнинг шим кийиши. Шундан кейин анча вақт ўйланиб юрдим, нима, шим кийиш ёмонми?

Мақоланинг ўйлантирадиган томони шундаки, унда "Наҳотки шим кийган қизларнинг ота-оналари қизларининг кийимига бефарқ?" деган жумлалар бор эди. Шим кийиш биз ўзбек қизларига хос эмасдир, бироқ калта, ёки орқаси йиртиқ юбкадан шим афзал-ку! Қолаверса, қиш кунларида шим ҳам совуқдан асрайди, ҳам оёқларинг ёпиқ туради.

Қизларнинг шим кийиши ўзбекчиликка тўғри келмайди-ю, аммо йигитларнинг соч кўйиши-ю, турмуш ўртоқлари сабаб бозор-бозор қоп кўтариб, рўзғор гамида югуриб юрган аёллар ўзбекчиликка хос экан-да! Менимча мақола муаллифини қизларнинг шим кийиши эмас, юқоридаги муаммолар ўйлантирса ёмон бўлмасди!

**Феруза ҚУВАНОВА,**  
ЎЗМУ талабаси

"Чимилдик"нинг 19 январь сонидан эълон қилинган "Ўзингизга ярашадими?" сарлавҳали мақолани ўқиб, жуда таъсирландим. Насриддин Ботирга бу мақола учун миннатдорлик билдираман. Унинг фикрларига юз фоиз қўшиламан.

Мен илгари шаҳарлик йи -

## ЯРАШМАТАН ҚИЛИК

гитлар замонавий қизларни ёқтиради, деб ўйлардим. Бизнинг қишлоқ қизлари ҳам пойтахтга борадиган бўлса, шим ёки тор кўйлак кийиб боришади. Менимча йигитларга ёқиш учун. Бетларига ҳар хил бўёқлар суртиб, ўзларини чиройли кўрсатмоқчи бўлишади. Аммо бор гўзалликлардан энг гўзали қалб гўзаллиги эмасми?

**Гулнора ОТАБОЕВА,**  
Тошкент вилояти,  
Оққўрғон тумани

... Китоблардаги севги, кинолардаги муҳаббат — буларнинг бари ҳақиқат экан. Мен буни бор-йўғи йигирма беш ёшга етганимда англадим. 10-синфда ўқиб юрган кезларим севдим, севилдим. У йигит муҳаббат изҳор қилганида маликалардай шарт кўйдим: "Қачонки институтга кирасиз, шундагина сизга турмушга чиқишга розилик бераман".

Мақтабни тугатиб, мен билим юртига, у эса институтга кирди. Шартим бажарилди. Қувончим ичимга сиғмасди. Орадан бир йил ўтгач, миш-мишлар кўпайиб "Зафар Дилором билан юрармиш" деган гап тарқалди.

## ЎШҚ АЗОБИ

Жаҳлим чиқди. Мен унга ишониб юрсам, у бошқалар билан таралла бедод қилиб юрса. Жаҳл устида уни куйдираман деб, танимаган йигитга турмушга чиқдим. Келин бўлдим лекин ўзимни ёниб, куйиб қолишимни ўйламабман...

Бир йилгача уни хаёлимдан чиқара олмадим. Зафар институтни тугатди. Анча вақтгача уйланмай юрди. Бу орада мен бир қизли ва бир ўғилли бўлдим. Ота-мажбурлабди. Лекин аранг бир қиз кўриб, и с м и м н и ҳ а л и ҳам кан...

Мен-чи, аччиқ қилиб ўз юрагимни анча дим. Эндигининг фойдаси-ми турмушим-моқчи эмас-да кенжа келин, эрка келинман. Турмуш ўртоғим, қайнона ва қайнотам ҳаммаси яхши. Менга ҳар доим яхши муомалада бўлишади. Иш-лашимга шароит яратиб беришган. Ҳозир малака ошириш институтида ўқияпман. Икки фарзандимни қайнонам "ўзим қарайман" деб олиб қолди. Бахтли келинман дейишга ҳақлиман. Аммо юрагимнинг бир чеккаси кемтикдай. Аиникса, уни кўриб қолгудай бўлсам, юрагим безовта бўла бошлайди. Биринчи муҳаббатим — менинг армоним экан.

Қизларжон, ҳеч қачон севганингизга жаҳл қилманг, аразламанг ҳам. Турли миш-мишларга ишонманг. Акс ҳолда бир умр севги азобида қоласиз.

**ХОНБИБИ,**  
Самарқанд

## Ё Р - Ё Р

Боғ кўчадан уйга қайтаман,  
Эшитилар ёр-ёр садоси.  
Мен ўзимга ёр-ёр айтаман,  
Жаранглайди қалбим садоси.

Ёр-ей, ёр-ёр-ей, бағрим куюк,  
Ўзим суйган ёрга бўлолмадим суюк.  
Бу дунёда ким ғамли деб ахтарманглар  
Бу дунёда менинг кўхна дардим буюк.

Ёр-ей, ёр-ёр-ей, йўлим тикан,  
Тиканларнинг орасида юрсаммикан?  
Кўнглимдаги тилагимга етолмадим.  
Хаёлдаги гўшангага кирсаммикан?

Ёр-ей, ёр-ёр-ей, гўшангалар,  
Гўшангага йўлатмади ул янгалар.  
Армон билан эслагувчи ёрим менинг,  
Ўзга қизга сочди бугун қанд, тангалар.

Ёр-ей, ёр-ёр-ей, юрак йиғлар,  
Қўшурнайнинг нолалари бағрим тиглар.  
Менинг ёрим бахтли бўлсин, ёронлар-ей,  
Юрагида кўзғолмасин бир санчиғлар.

Ёр-ей, ёр-ёр-ей, ёрим менинг,  
Бу дунёда ҳам йўғим, ҳам борим менинг.  
Бугун сенинг кучоғингда ўзга дилдор,  
Қулоғинга кирармиди зорим менинг!...

**Раъно АМИНОВА,**  
Тўрткўл шаҳридаги  
63-лицей ўқитувчиси

## БАХТДАН УСТУН

Ушбу хатимни учрашувдан келибоқ ёзаяпман. Чунки бугун ҳаётим алғов-далғов бўлди. Севганим Х.нинг шахло кўзларида ёш кўрдим. Уйларига совчи келган экан. Унинг ота-онаси қизларидан сўрамай розилик билдирибди. Сабаби бўлажак қудда томондан отаси қарздор эмиш. Х.нинг дод-фарёдига, у йигит билан яшай олмайман, бахтли бўлолмайман, ўзимнинг севганим бор, зўрлаб берсаларингиз ҳам барибир қайтиб келаман, деган сўзларига ота-она қулоқ солмабди. Наҳотки, ота-она ўзаро олди-бердилари эвазига ўз фарзандининг бахтини сотса.

Шу кунгача ҳаёт мен учун қизик, ширин, тотли эди. Аммо бугундан бошлаб менга ҳеч нарсанинг қизиғи қолмади. Балки Х. ўша йигит билан бахтли бўлиб кетар. Мен ҳам албатта унга ширин, тотув ҳаёт тилайман. Лекин мен-чи, ахир Х.дан бошқа қизни севишни ҳатто тасаввур қилолмайман, хаёлимга ҳам сиғдиролмайман. Наҳотки қизларнинг севган ёрига турмушга чиқишга ҳаққи бўлмаса.

"Чимилдик"! Сендан илтимос, менинг ушбу хатимни албатта чоп этгин. Зора, айрим ота-оналаримиз буни ўқиб, ўз фарзандларининг бахти ҳақида ўйлашса.

**БАХТИЁР,**  
Сурхондарё вилояти,  
Термиз тумани

## РАШКЧИ ДУГОНА



Р. билан гаплашиб қолдим. Кўнглимда ҳеч қандай ёмон ният йўқ, фақат дўстона. Ахир, у дугонанинг севган йигити-ку. Бироқ, бизни кўриб қолган Шаҳноза ўша кундан менга киноя қила бошлади. Нима эмиш, мен

тини қаттиқ севганидан рашк қияпти. Аммо, Р. унинг севгисига арзирмикин. Чунки у кўп қизларга бир зумда ошиқ бўладиган йигит. Буни Шаҳноза тушунмаяпти.

Бу хатни кечкурун ёзаяпман. Дугонажон, мени бекорга ранжитяпсиз. Мен хафа бўлмасман, лекин дарз кетган юракни тиклаш қийин. Севинг, севилдинг, лекин рашк ҳам эви билан бўлсин-да.

**СЕДОНА**

## ВОЙЛИК АРЗАЛМИ?

Арзимаган баҳоналар кундалик жанжалга айланаверди. Қайнонамнинг тинмай камситишларига дош беролмай, фарзандимни олиб, онамникига кетиб қолдим. Эрим бир неча маротаба ортимдан келиб ярашмоқчи бўлди. Лекин мен қаршилиқ қилдим. Кўринишидан ўзига тўқ кўринган бу хонадон онам қилган сепдан кўнгли тўлмади. Зебу-зийнатларинг кам деб менга кун бермай қўйди. Қайнонамнинг орзу-ҳаваси деб, қизим ота меҳридан жудо бўлди. Бу хонадон учун бойлик шодликдан афзал. Вақти келиб мол-дунёнинг кемтик жойлари тўлиб кетар. Лекин юракни тирнаган кемтик-чи?

Мол-дунё, зебу зийнат ҳақида ўйлаган қайнонам наҳотки фарзандининг, невараларининг тақдирини ўйламаса. Қизим улғайса унинг армонини ким тўлдиради.

**ФЕРУЗА**





МЕН  
ВА У

# Шукур ХОЛМИРЗАЕВ: МЕНИНГ ИККИ ОИЛАМ БОР

— Илк севгингизни хотирлай оласизми? У кизнинг қай жиҳатлари сизга маъқул келган?

— Ҳа, хотирлайман. У Зумрад эди. “Зумрад ва Қиммат” эртагидаги Зумрад. Ёшлигимда бир ўзим тўнқада ўтириб, тигиз арчазорларга термулиб турардим. Назаримда ўша — Зумрад чиқиб келаётгандек бўлаверарди. Кечгача кутардим, чиқмасди. Армон билан уйга қайтиб кетардим.

Ўзим билмасдан ёзувчи бўлиб қолдим. Армоним ўша ёлгон, ўша хаёл билан. ... Йиллар ўтди. Мана кўриб турибсиз қартайдим. Аммо кўлимда яроғ билан шу жойларга чиққанда, ўша тўнқаларда ўтирганда қаранг, ҳалиям Зумрадни кутаман. Чиқиб келаётгандек бўлаверади.

Бир дунёвий муҳаббат шудир, балки йўқликка интилиш шудир.

Ўзи шунақа бўладики, одам ҳамма вақт ўзида йўқ, эришолмаган ва эришиб бўлмайдиган, орзуда қоладиган манзилга интилар экан. Унинг номи муҳаббат бўлса керак.

— Умуман муҳаббат дар —

Дунёда татиб-татиб кўрилмаган бир томчи бор. Севги аталмиш. У юракнинг биргина бўғинчасига етиб бордим, тамом, одамни борлигу йўқлик томон етаклайди. Шохни гадо этади, гадони кафансиз...

ди қандай сизнингча? Бошқа беморликлардан у нимаси билан фарқ қилади?

— Тўғриси муҳаббат нимагини билмаганман. Кунларнинг бирида Омон Мухтор муҳаббат ҳақида ҳикоя ёзди. Шукур ака, қандоғ, деб сўради мендан. Сизга ярашмайди бундай қилиқ, дедим. Унга жуда оғир ботди бу. Сиз ҳеч қачон муҳаббат ҳақида ёзмагансиз. Шунинг учун мени тушунмаясиз. (Мен бунақа муҳаббатни копейкага олмаيمان.) Сиз ўзи севасизми, йўқми, деб бўкирди у. Мен гўдаклигимда севиб бўлганман.

— Нимага айнан 18 ёшни — муҳаббат ёши деб аташадиди?

— Билмайман. Гёте биринчи марта

78 ёшида севган... ваҳоқозо, бунақа гаплар кўп. Мен 11 ёшимда севганман. Бир китоб магазини бўларди. Дўкончи аёл бўларди. Жуда сулув, келишган. Мени кўрганда ни-

магадир куёвим келди деб бақирарди. Чунки мен ҳар куни ундан китоб олардим. Кейин онам — менга пул берарди, шу пулни олиб бориб ўша аёлга берардим. Ўша дамларда китоб олишдан кўра аёлни хурсандлигини кўриш, куёвим деган сўзини эшитиш менга ёқарди.

Хаётингиз давомида кимнинг муҳабба-



тига ҳавас билан қарадингиз?

— Ҳаммасига ҳавас билан қараганман. Аммо ўзим, ўзлигим билан бўлганман.

Менинг севгим бировларга ёқмаслигини билардим. На-чора.

— Ҳозирги ёшлар учрашмай, тўғрироғи севилмай турмуш қуришни фожеа деб билишади.

— Наҳотки ёшлар шунақа деб билса. Бу нарсаларга уларнинг ақли етмайдику. Жуда нотўғри.

Яқинда бўлиб ўтган бир воқеа сабаб ўзим шундай хулоса чиқардим. Ёшларимизгина эмас, ота-оналар ҳам келиннинг кимлигини, қандай муҳитда тарбия топганини билганидан сўнг, ёшларни қовуштириш ҳаракатида бўлмоғи — ёшларимиз ҳам аввало бир-бирларини билмоқлари лозим экан.

— Шукур Холмирзаев ҳаётида учраган аёллардан розими?

— Розиман. Онамдан, сингилларимдан, қизим Сайёрдан. Бошқа ҳеч кимдан.

— Кимнинг севгисига кўпроқ тан берасиз?

— Аёл табиатан сиртга қарайди. Шунга қараб баҳо беради. Эркақда бир фазилат бор. Балки унинг аёлдан устунлиги ҳам шудир. Эркақ жиндек ўйлаб мулоҳаза юри-

тади.

— 60 ёшингизгача ўз ахтарган севгингизни учрата олдингизми?

— Мен эртақдаги Зумрадни учратмадим. Демак тушундимки, мен ахтарган қиз бу дунёда йўқ экан. Биз чиройли хаёллар оғуши билан яшаймиз, шуям одам учун кифоя бўлади.

— Муҳаббат ғийбатларига муносабатингиз?

— Бу аёлгамас, никоҳингдаги хотинга тегишли савол бўлди. Хотинимнинг айтиши бўйича “иккинчи хотиним” бор. Бу адабиёт, машина.

Сиз кутган ва биз бермаган саволга жавоб.

— Менимча бу сизни армонингиз нима деган савол бўлса керак. Бир куни Руфат Рисқиев билан ўтирдик. Шу савол ўртага тушди. Ўша одам менимча ақлли жавоб берди. Мен қайтадан туғилганимда шунча босган йўлимдаги нуқсонларимни қайтармас эдим. Аммо янги нуқсонларга йўл қўяверар эдим. Менам шуда. Улардан бири.



ижозат сўради.

Лекин шох қайда-ю, очарчилик сабаб хизматга ёлланган хизматкор қайда.

Акбаршоҳ ўғлининг кўнглини со-вутмоқ учун унинг севгилиси Меҳринисони сарой аёнларидан бири — Шерафканга турмушга чиқишга мажбур қилади. Камбағаллик сабаб шундай мукофотланган маъшуқа қўшинлар сардори этиб тайинланган эри

Кутбиддин билан жанжаллашиб қолиб, уни пичоқлаб ўлдиради. Фожеа устига келиб қолган соқчилар Шерафканни ҳам тирик қолдиришмайди. Шундан сўнг бева қолган Меҳринисо Аграга — Жаҳонгиршоҳ саройига жўнатилади.

Жаҳонгиршоҳ учун Меҳринисо энг

Муҳаббат тимсолига айланган Нуржаҳон учун унинг шарафига шох “Нури Жаҳоний” деб аталган 12 граммли олтин танга зарб эттирган.

Нуржаҳоннинг эса қуйидаги мисралари Жаҳонгиршоҳга ҳар қандай бойликдан, эътибордан устунроқ эди.

Ҳадиси холи ту дар нома сабт мекардам,

Сиканворд нуқат бар сари сухан месўхт.

Шаҳиди ишқи туро шаб ба хоб меиддам.

Ки ҳамчу шуълайи фонус дар кафан месўхт.

Зи сўзи синайи Махфий шуд он қадар маълум,

Ки ҳамчу хас, мижааш дар гиристон месўхт.

Мазмуни: Сенинг номайи аъмолингизни ёзарканман, сўз устидаги нуқталар исиріқ доналаридек ёнарди. Ишқингда шаҳид бўлганларни кечалари тушимда кўрардим. Улар худди фонус шуъласидек, ўз кафанлари ичида ёнардилар. Махфий қалбининг ёниши шу қадар эдики, йиғлаганда киприклари худди хасдек ёнарди.

## ЖАҲОНГИРНИНГ НУРЖАҲОНИ

Жаҳонгиршоҳ (Салим. 1569-1627) Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурий шаҳзодалардан учинчиси эди.

Кунлардан бир кун шаҳзода Салим (кейинчалик Жаҳонгир подшоҳ) Меҳринисони бозорда кўриб қолиб унга ошиқ бўлади. Фироғида ўртаниб, хузур-ҳаловатини йўқотади. Йўқчилик сабаб ўз ватанидан Ҳиндистонга кўчиб келган сарой хизматчисининг қизи. Меҳринисо бу пайтда балоғат ёшига етганди. Ой деса ой юзли бу кизнинг чиройига хушторлар анча топиларди. Салим ишқ куйида адо бўлиб, шу кизга уйланишга қарор қилди. Ўз ниятини отаси Акбаршоҳга айтиб, ундан

билан Бенгалияга кўчиб кетади.

Муҳаббат бемор юрагининг бир парчаси Ҳиндистонда, бир парчаси олис юрт. Бенгалияда эди. 1605 йилда Акбаршоҳ вафот этади. Тахтга валиахд ўғил шаҳзода Салим ўтиради ва ўзини Жаҳонгиршоҳ деб атади. Тақдирнинг мукофотли ўйинини қарангки, 1611 йилда Шерафканхон Бенгалия ҳокими



буюқ тухфа эди. У умр бўйи армон қилган севгилисини иккинчи хотин қилиб ўз никоҳига олади.

Меҳринисо ўз гўзаллиги, зийраклиги, фаросатли ва тадбиркорлиги туфайли фақат Жаҳонгиршоҳнигина эмас, балки сарой аҳлини ҳам ўзига ром қилади. Эндиликда уни Меҳринисо эмас, Нурмахал (саройнинг нури) деб айтадилар.

Кейинчалик эса у жаҳоннинг нури Нуржаҳон исмини олади.



Болаларнинг эрта жинсий балоғатга етишига асосан, қуйидагилар сабаб бўлади:

Биринчидан, икки ёшдан ошган болалар кўрганларини эслаб қолиши мумкинлигини баъзи ота-оналар тушунмайдилар ва фарзандларининг

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа болаларга азалий ҳамда янги таомил ва одатларни ўргатиш, кишиларга нисбатан муносабатни оқилона изга солишдан иборат. Ана шу мақсадга эришишнинг энг яхши усули ота-онанинг ўз ишлари, ўзаро муносабатлари, хатти-ҳаракатлари билан болаларга ўрнатилган кўрсатишидир. Афсуски, аксарият ота-оналаримизнинг кўпчилигида, бола тарбияси учун вақт ҳам, билим ҳам етишмайди.

Мактабларимизда олиб борилаётган тарбиявий ишларда эса бир ёқламалик кўзга ташланади. Ўқувчилар кўпга Шарқ дурдоналаридан бебаҳрадилар. Бундан ташқари жинсий тарбия педагогиканинг худди "ўгай" қисмидек бўлиб қолган, бу ҳақда кўпгина муаллимларимизнинг ўзларида ҳам билим етарли эмас.

Жинсий тарбия — умумалоқий тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, у баъзилар ўйлагандек, балоғат ёшига етган даврдан эмас, билъакс боланинг жуда ҳам ёшлигидан бошланиши керак. Америка олими А.Кинзининг кузатишича, жинсий ҳис-туйғуларни илк бора сезиш қизларда 4 ойликдан, ўғил болаларда эса 5 ойликдан бошланиб, худди катталар организмидagi физиологик ўзгаришларга ўхшаб кетар экан.



кўз ўнгида яқинлик қиладилар.

Иккинчидан, бола туғилганданоқ жинсий аъзоларини тоза тутишга эътибор бериш лозим. Жинсий гигиенага риоя

қилмаслик ташқи жинсий аъзоларнинг булғанишига олиб келади, унга юкмули манбанинг тушиши касалликни, ярани келтириб чиқариши эҳтимолки, бу ўз навбатида шахвоний ҳис-туйғуларни уйғотади.

Учинчидан, боланинг жундан тўқилган ҳар хил дағал, баданни қичитадиган кийим-кечаклар кийиши, тос атрофи ва чот ораси кийимларининг тор бўлиши, боланинг тувақда узоқ ўтириши каби ҳолатлар ҳам жинсий аъзоларда қон димланишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, аксари ота-оналар болаларини эркалатиб, қитиқлашади, орқасига шаппатилаб уришади. Думба, қорин ва лаб ҳирсий-шаҳво-

рига босиб, ўпиб эркалашади.

Бешинчидан, боланинг уйқу олдидан какао, шоколад каби зўриқтирувчи овқатларни кўп истеъмол қилиши, ҳатто кичкинтойларнинг велосипедда узоқ юриши, ўйинчоқ отларни кўп миниши ҳам шундай сезгиларнинг уйғонишига сабаб бўлади. Аммо, бу кичкинтойларга ушбу ўйинларни таъқиқлаб қўйиш керак деган гап эмас, албатта. Жинсий сезгининг эрта уйғонишининг давоси фақат мана шуларда эмас, балки болаларнинг у уйинчоқлардан қисқа муддатли фойдаланишларидадир. Шунинг учун болада бир ўйинчоқдан иккинчисига қизиқиш уйғотиб ўз вақтида уларни алмаштири билиш керак.

Ота-оналар фарзандларини жуда ёшлиқдан шахсий намуна кўрсатиб тарбиялашга жиддий эътибор беришлари зарур. Уларнинг ётоқхоналари алоҳида бўлиши, болаларда ота-оналарнинг жинсий яқинлашуви тўғрисида тасаввур ҳам бўлмаслиги керак.

Ота-оналар болаларига расида бўлишидан ярим йил, ҳатто бир йил олдин жинслар бобида маълумот беришлари даркор.

Чунки, ота-она ҳамма вақт ҳам қизлари қачон биринчи марта ҳайз кўришини ёки ўғиллари қачон дастлабки поллюция (эҳтилом, уйғониш) ҳолатини бошидан кечиришини аниқ айтиб бера олмайди. Агар ота-она бу ҳақда илгари оғиз очмаган бўлса "ғишт қолипдан кўчган"дан кейин гаплашиш болалар ишончини қозонишни ва уларнинг кўнглини хотиржам қилишни анча қийинлаштиради.

**Ўқтам КҮЧҚОРОВ**

## Ёш оналар маслаҳатхонаси

Янги туғилган чақалоқнинг териси жуда юпка ва нозик бўлиб, салга тирналиши, шилиниши мумкин. Терининг салгина шикастланиши ҳам баъзан жиддий касалликларга сабаб бўлади.

Чақалоқнинг киндиги тушгандан бошлаб, то олти ойлик бўлгунга қадар уни ҳар куни чўмилтиринг. Бола ён ҳолатда тоғора тўлдирилган илиқ сувга солинади. Унинг боши онанинг чап билагида, елкаси эса қафтада туриши керак. Дастлаб 2-3 дақиқа бўйин ва кўкрагида сув куйиладди.

илиқ сувда оҳиста ювинг. Бир неча кун шундай қилинса, қасмоқ бошдан тушиб кетади.

Боланинг кўзлари қайнатилган сувга ёки борот кислотаси эритмаси (бир стакан сувга бир чой қошиқ) ёрдамида ҳўлланган пахта билан артилади.

Бурун ичидаги қатқалоқлар пахта пилик билан бураб олинади. Буруннинг ҳар бир бурчагига алоҳида

## ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ

Чўмилтириш вақти 5-7 дақиқага етса кифоя.

Баъзан киндик ярасининг битиши узоққа чўзилиб кетади. Шу ваздан чақалоқни чўмилтирмаслик хатодир. Агар чақалоқ 10-12 кунлик бўлганда ҳам киндиги сувсираб турса, болани шифокорга кўрсатиш керак.

Чақалоқнинг бошини қасмоқ босади бу табиий. Қасмоқда микробларнинг тўпланиши терига зарардир. Баъзи оналар сингари қасмоқни тароқ билан тараб кўчиришнинг оқибати терининг йиринглаб, яллиғланишига сабаб бўлади. Қасмоқни кетгазишнинг осон йўли куйидагича: болани чўмилтиришдан икки соат олдин бошига пахта мойи ёки вазелин мойи суртиб қўйиб совун билан

пахта тўтилади. Қулоқ ҳам шу хилда тозаланади. Чақалоқ учун асло қаттиқ нарсаларни ишлатманг, акс ҳолда эшитиш тешигини яраб қўйишингиз мумкин. Боланинг оғзини асло артиш мумкин эмас. Бетартиб қилинган муолажа нозик шиллик қаватларини шилиб юборади.

Бола каттароқ бўлиб қолганда терисига тальк сепиш мумкин. Тальк сийдикдан ҳўл бўлиб кетмаслиги учун ортиқчаси тоза пахта билан артилади, шунда у тери бурмаларида кўп қолиб кетмайди.

Сепма сифатида крахмал, ун, упа асло ишлатиш мумкин эмас, улар терини шикастлайди.

Боланинг териси соғлом бўлса, тальк сепиш, ёғ суртиш шарт эмас.

**Тоҳир АБДУВАХҲОВ  
АБДУРАХИМ ўғли**

## ТИРНОҚ, ШУНЧАКИ СИНМАЙДИ

Тирноқ кўпинча қатлам-қатлам бўлиб қолади, синади. Унда кўндалангига ва узунасига чизиклар пайдо бўлади. Тирноқнинг бундай бузилишига замбуруғ касаллиги сабаб бўлиши мумкин. Бунда бемор тери касалликлари диспансерига бориб, шифокор назоратида даволаниши керак. Бироқ тирноқда чизиклар пайдо бўлиши, тирноқ четларининг қатлам-қатлам бўлиб қолишининг бошқа сабаблари ҳам бор. Кимёвий воситалар: кир ювиш порошоклари, турмушда ишлатиладиган турли ювиш воситалари, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган эритувчи воситалар ва смола (қатрон)лар ҳам тирноқнинг бузилишига сабаб бўлади.

Организмда моддалар алмашинувининг бузилиши, гормонал бузилишлар, шунингдек, алкоголь, никотин билан сурункали захарланиб юриш ҳам тирноқ синишига ва шаклнинг ўзгаришига олиб келади.

Тирноқ бўяшни хуш кўрадиган аёлларда бўёқнинг захарли таъсири натижасида тирноқлар турли хилда шикастланади. Эҳтиётсизлик билан тез-тез маникюр қилиб туриладиган бўлса, тирноқ пластинкаси юзаси ўртасида кўндалангига тушган жуда кўп майда чизиклар пайдо бўлади. Айниқса ўсмир қизларга тирноқ бўяш тавсия этилмайди.

Тирноқни мустаҳкамлаш учун сувда ванна қилиш фойдали: бир стакан сувда бир чой қошиқ ичимлик сода эритилади. Бу эритмага 10-15 томчи йод қўйиш ҳам мумкин. Сувнинг иссиқлиги 37-38 даража бўлиши керак. Ванна 15-20 дақиқа қилинади. Даволаш куйидагича: икки ҳафта тағача ҳар куни, кейин бир ҳафта танафус қилиб, икки ҳафта ванна қилинади. Агар тирноқ қатлам-қатлам бўлиб қолса, таркибиде А витамини бўлган крем суртилади. Витамин А ва В га бой бўлган маҳсулотлардан ёб туриш тавсия этилади.

Тошкентлик ихтирочи Владимир Матвеев кўзи ожизлар учун оламни "кўриш" имкониятини берувчи ноёб ихтиро яратди. Мазкур асбоб кўриш қобилиятидан маҳрум бўлган одамга нафақат теварак атрофни ҳис этиш, балки ранглари ажрата олиш, ҳаттоки, ҳамсуҳбатининг юз ифодасини ҳам сезиш, шу билан бирга, физик нуқтаи назардан, кўриш қобилиятига тенг бўладиган даражада турли ҳодиса ва воқеаларни аниқлаш имконини беради. Асбоб зарур бўлган барча синовлардан ўтказилиб, унинг инсон саломатлигига, айниқса ёш организмга биологик жиҳатдан мутлақо зарарсиз экани исботланди.

— Мазкур асбобнинг кўзи ожиз болаларни ўқитиш жараёнига ва улар саломатлигини тиклаш тизимига кенг тадбиқ этилиши шубҳасиздир, - деди

самарали бўлишига кўмаклашади, - деди суҳбатдошимиз. - Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги,

## НОЁБ ИХТИРО

Й.Охунбобев номидаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ўқитувчиси Содиқ Ҳасанов "Туркистон-пресс" муҳбирига.

- АҚШда ишлаб чиқарилганлари электродларни мияга жарроҳлик йўли билан ўрнатиш усулида бўлганлиги учун ҳам бизнинг болаларга тўғри келмайди.

Япон мутахассислари томонидан яратилган бошқа асбобда электроника шунчалик кўпки, биттасининг баҳоси 1000 АҚШ долларидан ортиқроқ туради; ўз-ўзидан аёнки, моддий имкониятлари чекланган одамлар учун бу қимматлик қилади. Ниҳоят, мамлакатимизда кенг фойдаланишга мўлжалланган ва ишлатиш қулай бўлган асбоб ихтиро этилди. Ундан фойдаланиш ниҳоятда осон, унчалик катта қувват ҳам талаб этмайди: иккита батарея ярим йилга етади. Мазкур асбоб ўқувчиларга график тасвирларни ажрата олиш имконини беради. Бу эса ўқув жараёнини янада

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Куёш ва Иссиқлик физикаси институти, Электроника институти мутахассислари асбобни синовдан ўтказишда фаол иштирок этиб, ихтирога ижобий баҳо бердилар. Бироқ, асбобни кенг миқёсда чиқариш хусусида гап кетганда, ҳозирча ҳеч ким бундай масъулиятни ўз зиммасига олгиси келмапти.

Ҳозирги кунда Ер куррасида 150 миллионга яқин кўзи ожизлар мавжуд. Кўпгина мамлакатлардаги йирик илмий марказлар ва олимлар кўзи ожизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари бўла олишларига кўмак беришга қаратилган тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ўзбекистонда кашф этилган бу ихтиро шу йўлда қўйилган жиддий қадамдир. Кўзи ожизлар муаммоларини ҳал этиш учун манфаатдор ташкилотларнинг кучларини бирлаштириш лозим деб ўйлаймиз.





# БҮҲИ ИТТАН ҚИЗ

Бўйи етган қиз — бирам сулув, бирам чиройли. Унинг оппоқ орзулари, сокин нигоҳидаги умид учкунлари, келажақдан сураган энг осуда ниятлари бошига гулчамбар мисол кўнган.

Ҳеч бир қиз бўлмаса кераки, келажақ ҳаёти ҳақида хаёл қилмаган. Ва ундан бахт кутмаган. Қиз бола — вафодор ёрни орзулайди. Дастурхони тўкин оила тўғрисида ўйлайди. Тўрт мучаси соғ фарзандлар ният этади. Қайнона ва қайнота хизматини мукаммал қилсам дейди.

Қиз болани гунчага ўхшатадилар. Бу гунчанинг муаттар иси гулга айланиши эса ҳар биримизнинг кўлимизда: эрнинг, қайнота-қайнона ва қайин-бўйинларнинг. Чунки ҳеч бир келин ёмон бўлай демасди. Бугунги ҳамсуҳбатларимиз ҳам келажақдан умидвор қизлар:

**Азиза Илхомова. Тошкент шаҳри. 16 ёшда:**

— Аввало кўпчиликка қалбимдаги орзу-умидларим, келажақдаги оилавий ҳаётим ҳақидаги фикр-ўйларимни айтмаган эдим. Очиғи, кўзи очи-

либ кетибди, дейишларидан чўчийман. Лекин яхши ниятларим анчагина. Ҳозир кўпчилик тижорат билан шуғулланувчи, иқтисодий бақувват оилани кўзларкан. Мен бу кайфиятдан жуда йироқдам. Менинг турмуш ўртоғим энг аввало оғир-босиқ, ҳалол одам бўлиши керак. Агар бирор-та йигит совчи юбориб, кўлимни сўраса-ю, ота-онам рози бўлса, аввало ўзим у билан учрашиб, синаб кўришни мақсад қилиб қўйганман. Тўғри, уйимдагилар менга яхшилиқни раво кўришади. Аммо келажақда у билан

Чунки биз ҳали ҳаётга тайёр эмасмиз. Оналикнинг уддасидан чиқишимиз учун кўп нарсани билишимиз, ўқишимиз зарур. Шу сабабли мен ўқишни тугатганимдан сўнггина, оила қураман. Ундан кейин тилим "ботир". Қайнона-қайнота билан бир йилдан ортиқ яшолмаслигимга кўзим этади. Истардимки, уларнинг хизматларини қилсам-у, аммо доим улар билан бирга яшамасам. Чунки қайноналар билан келишмовчилик-

лар сабабли кўпчилик оилаларда кўйди-чикди бўляпти. Мен ана шу ҳодисанинг олдини олмоқчиман. Яна бир гап — бўлажак турмуш ўртоғимни мен севмаслигим мумкин — муҳими у мени севсин. Ана ўшанда мен ҳам унинг ихтиёрида қолиб, алданмайман. Йиллар ўтгани сари, ўша одамни севиб қолишим турган гап.

**Зулайхо. Хазорасп. 18 ёш:**

— Яши-

етарли маблағ тўплаганларидан кейин ўзлари истаган, ўзларига мос келадиган йигитга турмушга чиқишни хоҳлайдилар. Мен ҳам шундай. 18 ёшдан севги-севги деб оила қурган қизлар нима бўляпти? Ўқишни, ишини ташлаб, ўтириб қолишгапти-ку. Ёшлигимиздаги имкониятлар эса кейинчалик топиламан. Қўл-оёғимни оила боғлаб қўйишни истамайман.

**Гулсара Ойдинова. Бухоро. 23 ёш:**

— Оила бу мураккаб нарса. Унинг паст-баландликлари бўладики, кўпинча одамдан донишмандликни талаб қилади. Агар билиб-билмай бирор нарсани гапириб қўйсанг, у айланиб-айланиб, катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Мен масалан ўзимни ҳали оилали бўлишга тайёр эмас деб ҳисоблайман. Ота-онам тўйимни кўриш орзусида. Лекин мен истаган йигит ҳали ҳаётимда учрамади. Ўша бўлажак қувва талабларим катта эмас, чунки одамзод борки, камчилиги бўлади. Фақат биз уларни ана шу камчиликлари билан севишга қодир эмасмиз. Ўзимизни-ўзимиз турли хаёллар, қўл етмас орзулар билан алдаб қўямиз. Мен Яратгандан — хушёр, вафодор, мард ёр сўрайман. Менга шунинг ўзи кифоя.


**Я. МҮМИНОВА**

## ОРЗУЛАРЧИ

яшайдиган ўзим-ку.

**Дилбар Арапова. 19 ёш. Кашқадарё вилоятидан.**

— Аввало берилган имкониятдан фойдаланиб, тенгдош дугоналаримга бир гапни айтишни лозим топдим. Дугонажонлар, эрта турмушга чиқманглр.



Сурақаш К. Тўраев

## СЕВГИ ИЗҲОРИ... У ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Юрагида пайдо бўлган муҳаббатни ўз севгилисига кимдир қийнаиб, кимдир осонгина изҳор қилади. "Севаман" деган биргина сўзни айтмоқ аслида осонмикин? У қандай изҳор этилади? Сўз биланми ёхуд ўтли нигоҳ билан?

**Зулфия:**

Менда илк муҳаббат мактабда пайдо бўлган. Ўшанда 10-синфда ўқирдим. Нодир деган синфдошим мени "яхши" кўрарди. Нуқул хат ёзарди. Яъни, бир оғиз сўз: "Зулфия, сени яхши кўраман". Мен ҳам хатнинг орқасига: "Мен ҳам сени яхши кўраман" деб ёзардим.

Иккаламиз юзма-юз бу ҳақда ҳеч гаплашмаганмиз. Бир марта ундан суратини сўраганимда, яхши суратим йўқ, деб жавоб берган. Орадан ўн йил ўтди. Ҳар гал синфдошлар билан учрашганда улар "сирли" муҳаббатимиздан кулишади.

**Анвар:** Йигирма ёшгача ҳеч кимга севги изҳор қилмаганман. Ҳарбий хизматдан қайтгач, қўшни қишлоқдаги бир қиз диққатимни тортиди. Ҳар куни унинг йўлини пойлайман. У кўрингач, салом-алиқдан бошқа нарсага ўтолмасдим. Хат ёзишга эса юрагим дов бермади. Йиртиб юзимга отишидан кўрққанман. Бир куни олдига бориб: "Сиз менга тегасизми?" дедим. Тўсатдан айтилган сўздан у: "Жинни", деб мендан кўрқиб қочган. Барибир у билан турмуш қурдик. Севги изҳор этиш қийин экан.

**Рустам:**

Ҳаётда жуда кўп қизларга севги изҳор қилганман. Бирига

гўзаллигини таърифласам, бирининг ақллигини мактабиман. Уйдагиларнинг қистови билан уйланиш арафасида турибман. Қайси қизни танлашни билмай бошим қотган. Барибир ҳақиқий севгига дуч келолмаяпман. Севгини ўйинчоқ қилганим учун, тақдир мени шундай жазолаётгандир.

**Баҳодир:** Талабалик йилларимда курсдошим Фаридани севганман. Уни ҳеч кимга сездирмаган ҳолда ҳаммадан қизганардим. У ўтирадиган партага Б+Ф=С деб аниқ ёзиб қўйдим. Гурпулда фақат Б исмли йигит мен, Ф исмли қиз у эди. Фаридани севишимни билса ҳам ўзини билмаганга солиб юраверарди, назаримда. Тасодифан унинг партасига ўтириб қолганман. Қарасам у ёзувни чиройли қилиб бўяб, исмларимизни тўлиқ ёзиб қўйибди. Илк севги изҳорим парта орқали изҳор қилинган.

**Максуда:** Олийгоҳни битириш арафасида водийлик бир йигит билан танишиб қолдим. У менга ҳадеб ёзган шеърларини ўқиб берарди. Муҳаббатини ҳам шеър орқали изҳор қилган. Турмуш қурдик. Энди шеър айтишлар қаяқда дейсиз?

**Искандар:** Уни кўрганымда юрагим "жиз" этган. Орзуимдаги қиз шу бўлса керак, деб ўйладим. Олдига бордимда, сиз менга ёқиб қолдингиз, дедим. Қиз кулиб юборди. Шу-шу ҳар куни учрашиб, бир-биримизга ўрганиб қолдик. Оила қурдим. Лекин ҳалигача: "Сени севаман" деган сўзни айтганим йўқ.

**Сизнинг севги изҳорингиз қандай бўлган? Суҳбатни давом эттирайлик.**

**З. АШУРОВА**

Халқда "суюқ оёқ", "оёқ босиши чакки" деган гаплар юради. Рухшунослар бунинг нақадар тўғри эканлигини ўз кузатишлари билан яна бир бор тасдиқлашди. Уларнинг фикрича, сиз студа ўтирибсизми ёки тикка турибсизми, бундан қатъий назар, доимо оёғингизни қандайдир вазиятда тутиб туришга одатланар экансиз. Шунга қараб сизнинг феъл-атворингиз, шахсиятингизни билса бўлади.

**1. Сиз тикка турибсиз, оёқларингиз жуфтланган.** Сиз оғир-босиқ, мулоҳазали, сабр-тоқатлисиз. Ҳамма сизни дўст деб билади, ишонади. Аммо ташқи кўринишдан совуққинасиз. Шу боис, кўпчилик юрак ютиб, сизга дардини айтмайди.

**2. Одатда оғирлигингизни бир оёғингизга ташлаб, бошқасини эса сал олдинга чиқариб турасиз.** Сиз ҳаммани ўзингизга қаратишни ёқтирасиз. Сиз аниқ мақсадга эга ва унга қандай эришишни биласиз. Ўзингизга ишонасиз. Ҳар қандай шароитда ҳам йўлингизни топа оласиз.

**3. Оёғингизни икки томонга кериб тура-**

жиловлашни, ақл билан иш юритишни одат қилсангиз ёмон бўлмайди.

**5. Одатда оёғингизни бир-бирига жуфтлаб ўтирасиз.** Бундай вазиятда ўтирувчилар оғир-босиқ, ўзига кўпам ишонавермайдиган, гоҳида қатъиятсиз бўлади. Танишларингиз сизни мураккаб феъл-атворли деб билади. Аммо дилбарлигингиз ва одоб-ахлоқингиз тўғрисида одамларнинг хурматини қозонасиз.

**6. Оёғингизнинг бирини бошқасига қўйиб ўтирасиз.** Қайси оёғингизни юқорига кўтарганингиздан қатъий назар, сиз ўзингизга жуда ишонасиз.

## ОЁҚ БОСИШИГА ҚАРАБ ФЕЪЛ-АТВОРИНИ БИЛСА БЎЛАДИ

**сиз.** Бирор ишга қўл урсангиз, ундан сизни қайтариш қийин. Бундай қатъийлик атрофингиздаги одамлар билан муомалада мураккаблик туғдириш мумкин. Шу сабабли сал юракни кенгроқ қилинг.

**4. Оёғингизни бир-бирига чалиштириб туришни ёқтирасиз.** Сиз шахсиятпарастсиз, кўпинча бирор ишга қўл урсангиз, уни тезроқ ҳал этишга шошиласиз. Ҳис-ҳаяжонга тез бериласиз. Вақти-вақти билан жажлингизни

Яшашни ва ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишни биласиз.

**7. Одатда оёқларингизни бир текис жуфтлаб, уларни бироз олдинга чиқариб, товонингиз билан ерга кадалиб ўтирсангиз,** сиз ҳалол, очиккўнглисиз, аниқликни, тартиб-интизомни ёқтирасиз. Ташқаридан сал совуққон кўринганингиз билан сиз қалби тилла одамсиз.

**8. Одатда оёқларингизни бир-бирига жуфтлаб, пошнанингизга таяниб ўтирасиз.** Сиз вазмин, ичимдагини топ қабилидаги одамсиз. Ҳар доим ўзингизни химоя этишга тайёрсиз. Танишларингиз сиз билан ҳар қандай масалани ҳам маслаҳатлашишга тортинади.

**9. Одатда товонингизни бир-бирига текизиб ўтирасиз.** Сиз қатъиятсиз, кўнгли тор одамсиз. Бундан азият чексангиз-да, феъл-атворингизни ўзгартира олмайсиз. Ёлғизликни ёқтирасиз, энг яқин кишиларингиз билангина суҳбатда бўласиз. Лекин ўзингизнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам феъл-атворини тўғри таҳлил қила оласиз. Баъзида ўз имкониятларингизни ортиқча баҳолайсиз.

**10. Одатда оёқларингизни олдинга чўзиб, уларни чалиштириб ўтирасиз.** Сиз буйруқ беришни ёқтирасиз, рашкчисиз. Ҳар доим, ҳар бир ишда биринчи бўлишни хоҳлайсиз. Кўнглингизга йўл топиш қийин. Шахсий ҳаётда эса кўп иккиланасиз.

"ЧИМИЛДИК" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

СЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ: ЛАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА, ШАХНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР



## СИДНЕЙ ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИНИ СИНАЙДИ

Эътибор бериб қараладиган бўлса, ўзбекининг ҳеч бир хонадони йўқки спортни севмас. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлганлари хоҳ тўй-танта-на бўлсин, ёки байраму шодиёна бўлсин, белига белбоғ тақиб кураш тушади.

Кўпқарига кириб улоқ олади. Бундай ўйинлар томошабин эркаклари билан бир қаторда аёллар ҳам...

Ўзбек боласи туғилганда полвон бўлишини ният қилади. Машхур спортчилар номи билан атайди.

Атлантада ўтказилган Олимпиада ўйинларида илк бор қатнашган мамлакатимизнинг 76 нафар спортчисининг исми ўша кунларда туғилган чақалоқларга қўйилгани ёлгон эмас.

2000 йилда — Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига ҳам юртдошларимизнинг қизиқиши катта. Ҳар бири ўз севимли спортчисини бу олий мусобақаларда қатнашишини хоҳлайди.



Миллий олимпия қўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозиргача 36 нафар спортчимиз Сидней Олимпиадасига йўлланмани нақд қилиб қўйишган. Шундан 11 таси энгил атлетикачиларга, 8 таси боксчиларга, 5 таси эркин курашчиларга тегишли бўлса, камондан ўқ отиш ва юнон-рум курашчиларимиз 3 тадан, сувда сузувчилар 2 та, дзю-до (эркаклар), оғир атлетика ва байдаркада эшак эшувчилар

1 тадан йўлланмани қўлга киритишган. Мутахассис ва мураббийларнинг фикрича, уларнинг сафи ҳали янада кенгайиб, саралаш баҳслари якунига етгунча тахминан 65-70 кишига етиши мумкин. Хуллас бир неча ойдан сўнг ўзбек ўғлонларини Сидней кутиди. Алпомиш авлодлари бўлган спортчиларимиз яна бир бор мустақил юрт байроғини кўларга кўтаришларига ишонамиз.

Гулноза  
СОБИРОВА

## ЁШ ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Жиззах шаҳрида Ўзбек кураши бўйича ўсмир ва ёшлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Унда вилоятлардан келган 265 нафар йигит ва қиз ғолиблик учун беллашди.

Икки кун янги очилган кураш саройида давом этган мазкур мусобақанинг дастлабки кунда 1984-86 йилларда туғилган йигит ва қизларнинг тўрт вазн тоифасидаги ғолиблири аниқланди. Қизгин кечган финал баҳсларида 46 килограмм вазнда қорақалпоғистонлик Низомиддин Хўжабоев бухоролик Азиз Арабовнинг курагини ерга теккизиб, мусобақанинг илк ғолиби бўлди. Шунингдек, Ҳикмат Куртов, Олим Равшанов, Амирулло Нарзуллаев, Фурқат Маматовлар ҳам ўз рақибларини енгиб, олий шохсупага кўтарилдилар.

Қизлар ўртасидаги финалда 48 килограмм вазндаги қорақалпоғистонлик Феруза Ҳайтимбетова майдон эгаси Суррайё Мусаевани доғда қолдирди. Ферузанинг жамоадоши Элмира Жумамуродова эса ўз вазнида андижонлик Гулмира Жалоловадан мағлубиятга учради. Кейинги вазнлардаги баҳсларда Дилшода Ҳазратова (Қашқадарё), Марҳабо Саидо-

ва (Сурхондарё) галаба нашидасини суришди.

Иккинчи кунги беллашувлар 16-17 ёшли полвонлар ўртасида 11 вазн тоифасида кечди. Унда Ш.Бобоқуллов, А.Воситов, А.Курбонов, Ш.Сатторов, Ф.Каримов ва бошқалар ғолиб чиқиб, институтга имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ўсмирлар ўртасида биринчи ўринни олган пахлавонлардан Н.Хўжабоев, Х.Куртов, О.Равшанов, Ф.Маматов ҳамда Г.Жалолова, Д.Ҳазратова май ойида Тверда 36 мамлакат вакиллари иштирокидаги биринчи жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Республика кураш федерациясидан олинган маълумотга кўра, мазкур биринчиликда Наманган вилоятидан биронта ҳам спортчи қатнашмаган. Ўзбек курашида жаҳон ёшлари бел олишишга ошиқайётган бир пайтда республика биринчилигида бутун бошли вилоятдан вакил иштирок этмаганлиги таажжубли ҳолат.

Қолаверса, 6-9 апрель кунлари Андижон вилоятида "Белбоғли кураш" бўйича ўсмир ва ёшлар республика биринчилиги ўтказилади.

"Туркистон-пресс"

## Бухороликлар етакчилик қилмоқда

Бухорода олий лиганинг эркаклари жамоалари ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи босқичи ўз ниҳоясига етди. Мусобақада 9 та жамоа иштирок этди.

Ушбу босқичда ҳозирги чемпионатда етакчилик

қилаётган - Бухоро университети жамоаси ғолиб чиқди. Бу жамоа ўзининг юқори маҳорати, кучли тайёргарлиги ва таркибдаги ўйинчиларнинг яхши танлангани билан рақибларидан ажралиб туради.

Иккинчи ўринни Ўзбекис-

Ушбу бообру анжуман мамлакатимизда илк бор ўтказилаётгани бежиз эмас, албатта, - деди Республика теннис федерацияси бош котиби ўринбосари Шукрулло Исмолов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Спортнинг энг нафис турларидан саналмиш теннис юртимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётир. Профессионал ракетка устаслари ўртасида 1993-94 йиллардан бошлаб "Президент кубоги" учун ўтказиб келинаётган халқаро мусобақанинг йил сайин мавқеи ва мукофот жамғармаси ортиб борди. Жаҳоннинг сара теннисчилари иштирокида ўтган йили "Юнособод" спорт мажмуида ўтказилган халқаро мусобақа АТР (Халқаро профессионал теннис ассоциацияси) томонидан йилнинг энг юксак турнири сифатида эътироф этилди.

— Мамлакатимизда кейинги пайтда теннис спортининг ривожини учун диққатга сазовор ўзгаришлар нималардан иборат бўлди?

— Спортнинг мазкур турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар самараси ўлароқ, барча вилоят марказларида замона-


## МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Осиё Теннис Федерацияси Ижроия қўмитаси аъзолари 29-31 март кунлари йиллик анжумани ўтказиш учун юртимизга келишди

вий, жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берувчи спорт иншоотлари, кортлар барпо этилди. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Термиз ва Гулистон шаҳарларида фойдаланишга топширилган теннис мажмуалари юз минглаб моҳир ракетка шайдоларини ўз бағрига қоралаётир. Ана шу шаҳарлардаги хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ўтказилган "Челленжер", "Фьючерс" каби халқаро турнирларда иштирок этиш учун номдор теннис устаслари келишди. Бундан ташқари, пойтахтимизда 4 йилдан буён аёллар ўртасидаги аънавага айланган "Челленжер" турнири ўтган йили биринчи марта WTA (Аёллар теннис ассоциацияси) таснифига кирувчи йирик халқаро беллашув билан бойинди.

— Осиё теннис федерацияси Ижроия қўмитасининг бўлажак анжуманини ўтказишда Ўзбекистон қайси жихатларига кўра, даъвогар мамлакатлардан устунликка эришди?

— Аънавий "Президент кубоги" баҳслари ҳозирги халқаро миқёсдаги муваффақиятларимизга замин яратди. Ўтган етти йил мобайнида давлатимиз раҳбарияти ташаббуси билан халқаро мусобақаларнинг ташкилий жихатдан юксак даражада ўтиши Осиё, қолаверса, Халқаро федерация мутасаддиларида мамлакатимизга нисбатан хайрихоҳлик ҳиссини уйғотди. 1999 йил июль ойида Голландияда Халқаро теннис федерацияси Конгресси бўлиб ўтганди. Анжуман сўнггида ушбу ташкилотнинг вице-президенти, Осиё теннис федераци-



яси президенти жаноб Иичи Каватей (Япония) бошчилигида қитъамиз федерацияси йиғилиши ўтказилди. Унда 2000 йилдаги Ижроия қўмита анжуманининг ўтказиш жойи аниқлаб олинди. Малайзия, БАА, Ливан вакиллари қатори биз ҳам ўз таклифимиз билан чиқдик. Кенгаш томонидан таклифимиз қўллаб-қувватланди. Шунингдек, делегациямизда теннис ривожини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Токент бўлими Ижроия қўмитаси аъзоси Рустам Шоабдурахмонов Халқаро Ижроия қўмита аъзолигига қабул қилиниб, унинг зиммасига Марказий Осиё бўйича теннисни ривожлантириш масъулияти юклатилди. Осиё теннис федерацияси президенти ўтган йилнинг сентябрида юртимизда меҳмон бўлиб, "Юнособод"даги "Президент кубоги" учун беллашувларни ва терма жамоамиз билан Чехия Республикаси вакиллари ўртасидаги Жаҳон лигасига чиқиш учун Дэвис кубоги баҳсларини кузатди. У нуфузли мусобақаларнинг ташкилий томонини юксак баҳолади. Шуниндек, Бухоро теннис кортини бориб кўриб, айна чоғда ривожланган Япония учун ҳам бу каби замонавий иншоот барпо этиш мушкул, дея таъкидлади. Давлатимиз раҳбарияти томонидан мазкур спорт ривожига эътибор юқорилиги ҳамда бунинг учун барча шарт-шароитлар муҳайёлигини қониқтириш билан эътироф этди. Қолаверса, меҳмонхоналар, транспортлар қулайлиги ва шаҳарларимиз салобати ҳамда спортчиларимиз халқаро майдонда ўз маҳоратлари билан муносиб ўринни банд этаёт-

гани ҳам катта аҳмият касб этаётир.

Бизнинг маълумот: Осиё теннис федерацияси нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланиб, ҳозир 40 дан зиёд мамлакат унга аъзодир.

Ўзбекистон 1994 йилда унинг сафидан жой олди. 1999 йил теннисчиларимиз учун улкан муваффақиятларга бой бўлди. Олег Огородов Франциялик Марк Росси билан жуфтлик баҳсларида ғолиб чиқиб, биринчи марта юқори поғонага кўтарилди. Осиё кубоги баҳсларида Олег Огородов ва Вадим Куценко бош соврин эгаси бўлишди.

В.Куценко Туркия ва Ҳиндистонда халқаро турнирлар ғолибига айланди. Мамлакатимизда 1999 йилнинг энг яхши спортчиси номини олган иқтидорли кизимиз Ирода Тўлаганованинг эришган кўрсаткичлари таҳсинга сазовор. У энг нуфузли турнир — Уимблдонда қизлар мусобақасида бош мукофотни қўлга киритди. Осиё чемпиони бўлиб, Япония ва Жанубий Корея очик чемпионати ғолибаси ҳамда Америка очик чемпионати финалчиси сифатида тан олинди. Ўсмир ва қизларимиз АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида тўққиз ва ўн бешинчи ўринларни эгаллашди. Кетма-кет икки марта Жаҳон лигасига ўтиш мусобақасида муваффақиятли иштирок этган терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 жамоаси сафидан ўрин олди. Юртимизда теннисни ривожлантиришга берилаётган эътибор, гамхўрлик исзиз кетмаяпти: АҚШда таҳсил олаётган Мурод Иноятов, Фаррух Дўстов, Санжар Шодиев каби иқтидорли ёшлар кашф этилмоқда.

"Туркистон-пресс"

Март ойининг охирида Наманганда 18 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ўртасида аънавий тўртинчи халқаро тен-

нис Федерацияси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган. Наманган кортларида тўпланган очколар спортчиларнинг халқаро

## Турнир арафасида

нис турнири бўлиб ўтади. Мусобақада дунёнинг 15 та мамлакатидан ёш теннисчилар иштирок этиши кутилмоқда. Турнир Ўзбекистон

ўсмирлар таснифидаги рейтингини аниқлаш пайтида ҳисобга олинади.

Н.ХЎЖАЕВА,  
ЎЗА мухбири



**ЎЗА РАБОТ.** Африка бирлиги ташкоти (АБТ) Бош котиби Салим Ахмад Салим яқин вақтлар ичида қитъа парламенти асос солиниши мумкинлигини маълум қилди. Унинг айтишича, АБТ котибияти айна пайтда бу борадаги лойиҳалар устида иш олиб бораётир. Қитъа парламенти Африка мамлакатларида ўтказилаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, минтақада юз бераётган қуролли можароларни тинч йўл билан ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади, деди Бош котиб.

### ВАШИНГТОН.

Исроил ва Фаластин делегацияси мазкур ҳафтада музокараларни давом эттиришга келишиб олди. Томонларнинг розилигига кўра, бўлажак музокара Вашингтон яқинидаги АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари базасида бўлиб ўтади.

Фаластин томони ушбу музокараларда ҳам бирор натижага эришиш мушкуллигини айтиётган бўлса, исроилликлар шу кунгача ўтказилган музокаралардан кўнгли тўлаётганини таъкидламоқда.

### ПЕКИН.

Хитойнинг оилани режалаштириш ишлари вазирлиги маълумотига қараганда, эллик йилдан сўнг мамлакат аҳолиси сони 1,6 миллиард кишига етади. XX1 аср ўрталарига келиб туғилиш билан ўлим ўртасидаги тафовут йўқолади. Асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса аҳоли сони камай бошлади.

Ҳозир Хитойда 1,25 миллиард киши истиқомат қилади. Мамлакат ҳукумати сўнгги йилларда аҳолининг йиллик ўсишини бир фоиз даражасида сақлаш борасида кўплаб тадбирлар ўтказмоқда.

**РАБОТ.** Гана, Нигерия ҳамда Тогодаги экологик ташкилотлар Фарбий Африка газ қувири лойиҳасининг амалга оширилишига қарши чиқди. Ушбу лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири мутахассислар томонидан атофлича ўрганилгани йўқ ва ушбу мамлакатлар ҳукуматлари мазкур масала билан шуғулланишни ҳаёлига ҳам келтирмапти, дейилади бу ҳақдаги баёнотда.

Экологларнинг фикрича, ушбу газ қувири қурилиши табиатга жиддий зиён етказиши мумкин, деди улар. Хусусан, ўрмонлар кесилади,

## ВЛАДИМИР ПУТИН - РОССИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

26 март куни Россияда президент сайлови бўлиб ўтди. Халқаро жамоатчилик Россиядаги сиёсий жараёнларнинг янги босқичини бошлаб берадиган давр сифатида баҳолаётган бу тадбирда мамлакатнинг янги президенти аниқланди. Давлат раҳбари этиб Владимир Путин сайланди. Россияда сўнгги ойлардаги сиёсий ҳаёт жуда қайноқ кечди.

бўлган) жамоатчилик ўртасида тез эътиборга туша борди. Ўтган якшанба куни бўлиб ўтган сайлов эса унинг мамлакатдаги энг машҳур сиёсатчи эканлигини намойиш қилди.

Сайлов арафасида кўплаб кузатувчилар Россиянинг янги президенти аниқлаш сайловнинг иккинчи турига қолишини башорат қилган эди. Мамлакат мар-

**ЎЗА** ҳаво ва сув захарланади, бундан ташқари, ҳайвонлар газ қувурлари ўтадиган ҳудудларни тарк этиши ҳам турган гап.

**ТБИЛИСИ.** Грузия ташқи ишлар вазирлигининг хабар қилишича, Германия канцлери Герхард Шрёдер 30 март куни икки кунлик расмий ташриф билан Тбилисига келади. Ушбу сафар доирасида у мамлакат раҳбарияти билан учрашиб, икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва Кавказдаги воқеалар хусусида музокаралар ўтказди. Шунингдек, Г.Шрёдернинг Грузия парламентида маъруза қилиши ҳам кутилмоқда.

**КОҲИРА.** БМТ қўллаётган иқтисодий жазо чоралари оқибатида феврал ойида Ироқда ўн минг киши нобуд бўлди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабар беришича, қурбон бўлганларнинг етти минг нафардан ортиги беш ёшгача бўлган болалардир. Улар тўйиб овқат емаслик ва доридармон етишмаслиги натижасида турли хил юкумли касалликларга чалинган.

**ТЕХРОН.** Ўтган куни Эронда юз берган йўл-транспорт ҳалокати 13 кишининг бевақт ўлими ва 10 га яқин йўловчининг жароҳатланишига сабаб бўлди. Йўл полицияси вакилининг айтишича, фожеа автобус ҳайдовчисининг айби билан содир бўлган. У тезликни жуда ошириб юборган ва бошқарувни йўқотган. Натижада автобус қарама-қарши йўналишдан келаётган юк машинасига урилган.

**ТРИПОЛИ.** АҚШ делегацияси сўнгги йигирма йил ичида биринчи бор Ливияга ташриф буюрди. Хабарларга қараганда, делегация аъзолари ушбу мамлакат раҳбарияти билан учрашиб, америкаликларнинг Ливияга сафар қилиши билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар борасида музокара ўтказди.

АҚШ Ливиядаги элчихонасини 1980 йилда ёпган эди. Орадан бир йил ўтиб эса Оқ Уй маъмурияти ўз фуқаролари хавфсизлигини ўйлаб, уларнинг мазкур давлатга сафар қилишини таъқиқлаб қўйганди.



Зеро, Россиядек бой ва улкан мамлакат тизгинини ўз қўлига олишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз? Бу мақсад учун от сурганлар аввалига 12 киши эди, сайловга бир неча кун қолганда улар сони биттага камайди. Фақат сайлов арафасидагина сиёсатчи сифатида номи тилга олина бошлаган Е.Севостянов мазкур тадбирда иштирок этишдан воз кечди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатнинг олдинги президенти Борис Ельцин ўтган йили 31 декабрда ҳокимиятни қўтилмаганда ҳукумат бошлиғи В.Путинга топширганида, унинг бўлажак президентлик сайловида голиб чиқишига кўпчилик шубҳа билдирган эди. Чунки катта сиёсат майдонига ўтган йилнинг август ойида, Россия ҳукумати раҳбари этиб тайинлангандан сўнггина, кириб келган бу шахс кўпчилик учун "синалмаган от" бўлиб туюлган эди. Аммо В.Путин ўзининг зобитларга хос қатъиятлилиги ва изчиллиги билан (илгари давлат хавфсизлик қўмитасининг офицери

казий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотлари эса Владимир Путин 52 фоиздан кўп сайловчининг овозини олишга муваффақ бўлганини кўрсатди. В.Путиннинг сайловдаги асосий рақиби, коммунистлар раҳбари Геннадий Зюганов навбатдаги қақшатқич мағлубиятга учради. У 30 фоизга яқин сайловчининг овозини олишга эришди, холос.

Таъкидлаганимиздек, халқаро жамоатчилик Россиядаги сайлов натижалари мазкур давлатда янги сиёсий босқични бошлаб беришини айтмоқда. Бу гапда жон борлигини Россия ташқи ишлар вазир И.Ивановнинг 27 март куни берган баёноти ҳам тасдиқлаб турибди. У янги президент сайланиши муносабати билан Россиянинг ташқи сиёсатида ўзгариш бўлишини очикдан-очик айтди. Бироқ бу ўзгариш нималарда намоён бўлишини ҳали аниқ башорат қилиш қийин.

**Анвар КАРИМОВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси

## НЕВАРАЛИ ТАЛАБА

Анна Никифоровна Шумная Кузбасс вилоятидаги Яя шаҳрида яшайди. У ҳар куни ярим тунгача дарсликларни ёдлайди, конспект ёзади. Томск университетининг у истиқомат қиладиган шаҳарчадаги филиалининг иқтисодиёт-технология факультетида ўқишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун Шумная бор куч ва ғайратини яхши билим олишга, курсдошлари олдида уялиб қолмасликка сарфлайди. Ундан ташқари домлаларнинг кўпчилиги талабанинг фарзандлари тенги.

Анна Никифоровна университет тарихидаги энг кекса талаба. У яқинда ўзининг эллик иккинчи баҳорини нишонлади.

Тиришқоқ аёл кўп йиллар молия бўлимида назоратчи бўлиб ишлади. Сўнгги пайтда маълумоти олий бўлмаганлар штати қисқариши мумкинлигини сезиб, бир неча нафар неваранинг буви-си талаба бўлди.

## СУВҲЎР АВТО

Бостонлик олим Эмери Бартелло сизот сувларда ҳаракатланадиган автомобиль ихтиро қилди. Бунинг учун у уловнинг двигатели ва ёниги қуйиш тармоғига ўзгартириш киритди. Ихтиронинг мағзи шундаки, сизот сувлар ўзидан метан ажратади. У эса двигателни худди

бензин қуйилгандай юришини таъминлайди.

Сўнгги икки йилда ўтказилган синовлар янги "ёқилғи"дан машинани бир марта тўлатиб, бемалол 60 чақирим йўл босиш мумкинлигини исботлади. Доктор Бартелло экологияга ҳеч қандай зиён келтирмайдиган бундай ихтирони яратиш учун чорак аср умрини бахшида этди.

## ЎЗМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР КАМАРИ

Италиялик муҳандис Луиджи Джакомо озишни орзу қилаётганлар учун камар яратди. У махсус сигнал билан таъминланган: агарда одам керагидан ортиқча овқат еса, камардан шанғиллаган товуш чиқади. Хоҳласангиз сигнални ўчириб қўйишингиз мумкин. Шунда ҳам агарда меъеридан кўп таом есангиз махсус лампочка ёниб-ўчади.

Агарда сиз жуда мазали, тансиқ таомга "таслим" бўлиб, лампочкани ҳам ўчириб қўйсангиз, камардан игначалар чиқиб баданингизга санчилади. Шундан сўнг иштахангиз гиппа бўғиладики, таомга қарашга ҳам ҳолингиз қолмайди.

### Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ


### Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Гулнора ХОЛБЕКОВА



### Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69



### Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй  
Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқланиши мумкин.